

МУСТАҚИЛЛИК АЙЁМИГА 22 КУН ҚОЛДИ




БУ — МЕНИНГ БАЙРАМИМ!

БУ — СЕНИНГ БАЙРАМИНГ!

БУ — ҲАММАМИЗНИНГ БАЙРАМИМИЗ!

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI
9 avgust, juma, 1996 yil
Sotuvda erkin narxda. № 160 (1413)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

ТЕКШИРИШЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш, назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг фаолиятига асоссиз аралашшига йўл қўймаслик мақсадида:

1. Хўжалик юритувчи субъектлар — юридик ва жисмоний шахсларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ҳамда тафтиш этишга доир барча ишларни мувофиқлаштириш вазифаси Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси (шахсан давлат солиқ қўмитасининг раиси Ш. Гаатулин) зиммасига юклансин.

2. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши иловига мувофиқ тартибда тузилсин.

3. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини қўнунчилик нормаларида белгиланган ҳуқуқларга мувофиқ амалга оширилаётган текширишларнинг ҳаммаси назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши билан келишган ҳолдагина ўтказилсин.

Республика кенгаши билан келишмаган ҳолда текширишларни амалга оширувчи марказдаги ва жойлардаги назорат қилувчи органларнинг раҳбарлари белгиланган тартиб-

да жавобгарликка тортиладилар.

4. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши:

режа асосида ўтказиладиган текширишларнинг йиллик, ярим йиллик ҳамда ҳар бир чоракка мўлжалланган жадвалларини ишлаб чиқиши ва тасдиқласин;

комплекс текширишларни ўтказиш амалиётига жорий этилсин, бунда бир қоронмагаги текшириш барча ҳақолатли ташкилотлар томонидан амалга оширилади, шунинг ҳисобига ўтказиладиган текширишлар соғия ва масалаларни такрорлаш кескин қамайтирилсин.

5. Хўжалик юритувчи субъектларни текширишнинг идоравий тафтиш хизматларининг мавжудлиги мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг вазирлиқлари, идоралари (Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги бундан мустасно), концернлар, корпорациялар, уюшмалар мавжуд тафтиш хизматларини тугатсинлар ва ўз таркибларидаги хўжалик юритувчи

субъектлар фаолиятини таҳлил этишнинг аудиторлик шакллари-ни қўллансинлар.

Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги мақрур банднинг бажарилиши устидан қатъи назорат ўрнатсин, 1997 йил бюджетда бошқарув идораларининг лавозимлари рўйхатидаги тегишли ўзгаришларни назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги тақдирларини бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва хизмат қўрсатиш соҳаси қороналарида текширишларни тартибга солиш тўғрисида» 1993 йил 10 декабрдаги 696-сон Фармони, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 8 ноябрдаги 574-сон фармони-нинг 1-банди ўз қўбини йўқотган, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ
Тошқент шаҳри,
1996 йил 8 август.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг
1996 йил 8 августдаги Фармонида илова*

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ RESPUBLIKA KENGASHINING TARKIBI

Гаатулин Ш. Қ. — Давлат солиқ қўмитасининг раиси, кенгаш раиси
Жалолов Е. Ж. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига назорат инспекциясининг раҳбари, кенгаш раисининг ўринбосари
Ариянц С. А. — «Ўздавстандарт» бош директори
Аҳмадбоев А. Ф. — «Ўзсаноаттехназорат» раиси
Беганов В. С. — молия вазирининг ўринбосари
Бурҳонов Қ. Н. — ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари
Ғаниев Э. М. — ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи ўринбосари
Ғофуров Ш. Р. — «Ўзистихбўлетат» давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
Исмоилов Н. М. — Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари

Комилов Ҳ. Т. — миллий хавфсизлик хизмати раисининг биринчи ўринбосари
Каримов Р. К. — Вазирлар Маҳкамаси умумиқўрсатқич бўлимининг мудирини
Куროлов М. Я. — Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
Назаров Й. А. — адлия вазирининг биринчи ўринбосари
Низаматов Б. И. — соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, бош санитария врачини
Нуралiev P. T. — давлат мулки қўмитаси раисининг ўринбосари
Нурмуродов М. Б. — Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари
Олимжонов О. О. — Вазирлар Маҳкамаси ҳудудий-ташқиқий бўлимининг мудирини
Ҳабибуллоев А. Ш. — Давлат табиатини муҳофазат қилуш қўмитаси раисини
Худойқўлов У. Ч. — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари
Шарипов Й. Ш. — фанқўлода ваъзятлар вазирининг биринчи ўринбосари

ТУРИЗМ — МИЛЛИЙ ДАРОМАД МАНБАИ

Фарғона вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги туризмни ривожлантириш бўйича идораларга кенгаш йиғилиши бўлди. Унда мақрур кенгаш томонидан тасдиқланган «Мерос» дастури ва «Буюк йпак йули» манзиллари Тошқент, Самарқанд, Бухоро, Хива йўналишларида сайёҳларга сервис хизматини яхшилаш масалалари муҳокама этилди.

Йиғилиши Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, туризмни ривожлантириш бўйича идораларга кенгаш раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин халқро туризмни ривожлантириш, сайёҳларга намунавий хизмат қўрсатиш бўлишида жуда катта ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Юртимизга сайёҳларнинг келиши қўлайди.

Бугунги кунда уларга 6500 ўринли йиғирмата меҳмонхона хизмат қўрсатилади. Мустақиллигимизнинг беш йиллик тўйи арафасида жўдан андозаларига мос янги меҳмонхоналар фойдаланишга топширилади.

Йиғилишда яқин йиллар ичinda Ўзбекистон туризм ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши, бунинг учун эса хорижликларнинг сайёру савҳати, дам олиши учун барча зарур шароитларни яратиш, хиз-

мат қўрсатиш маданиятини юксалтириш зарурлигига эътибор қаратилади. Туризм — миллий даромад манбаи эканлиги таъкидланди. Шу билан бирга, вилоятларда туризм инфраструктурасини ривожлантиришнинг қўнунчилигидек деб бўлмади. Бу соҳага хорижий сармояни жалб этишга етарли эътибор берилмаётди. Жойларда ташкил этилган туристик фирмаларнинг аксарияти чет эллик сайёҳларни юртимизга жалб этиш урнига,

маҳаллий фуқароларни хорижага юнатиш билан шуғулланышда. Бунинг оқибатида қўлаб маблағ четга чиқиб кетмоқда. Ўзбекистон ҳаво йўллари, автотранспорт, темир йўл тармоқларида ҳам сайёҳларга хизмат қўрсатишни яхшилаш зарур.

Йиғилишда «Ўзбектуризм» миллий компаниясини раиси Б. Хўсайбеов, маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Т. Қўнев, «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясини раисининг ўринбосари М. Мартъянов, шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Хоразм, Қашқадарь вилоят ҳокимлари ўринбосарларининг ахбороти тингланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов ва Фарғона вилоят ҳокими М. Исломов қатнашди. (ЎЗА).

ПРЕЗИДЕНТ МОСКВАГА ЖўНАБ КЕТДИ

8 август кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Москвага жўнаб кетди. У Россия давлат раҳбарининг ўз лавозимига тантанали равишда киришиш маросимига қатнашди. Президент Борис Ельциннинг инаугурация маросими 9 август кuni Кремлда бўлиб ўтади.

— Виз Россиядаги Президент сайловидан олдин, сайлов арафаларида Президентликка номзод Борис Ельцин ва унинг тимсолида ушбу мамлакатдаги демократик кулларни қўллаб-қувватлашимизни бир неча бор такрорлаган эдик, — деди Президент Ислам Каримов аэропортта журналистларнинг саволларига жавоб берар экан. — Россиянинг жаҳон миқёсидаги ўрнини ҳисобга оладиган бўлсак, сайловда мамлакатдаги демократик кулларнинг ғалаба қозонишидан барча манфаатдор эдик. Виз бундан буён Россия демократик ўзгаришлар йўлидан дадил боришига аминмиз ҳамда бу давлат билан узаро муносабатларни янада мустаҳкамлашга тайёризм.

Тошқент аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош ваъир Ҳ. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Гуломов, Тошқент шаҳар ҳокими К. Тулаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Кузатиш маросимида Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили В. Риназ ҳозир бўлди. (ЎЗА).

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ УЧРАШУВИ

Москвага расмий ташриф билан келган Ўзбекистон ташқи ишлар ваъизи Абдуллазиз Комилов 7 августа Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясини элчихонасида бўлиб ўтган Ислам Каримовнинг «Барқарорлик ва ислохотлар» номи китобининг таништирув маросимида иштирок этиди.

8 августа Ўзбекистон ташқи ишлар ваъизи Номулло муҳтарам қабрга гулчамбар қўйди. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясини ташқи ишлар ваъизлари Абдуллазиз Комилов ва Евгений Примаков ўртасида музокара бўлиб ўтди. Учрашув нийоъсида Россия Федерациясини ва Ўзбекистон Республикасини ўртасида 1996-1997 йилларда маданият, фан ва маориф соҳаларида ҳамкорлик дастури имзоланди.

Учрашувдан сўнг Абдуллазиз Комилов ва Евгений Примаков маъбуот конференцияси ўтказдилар. Вазирлар журналистларнинг савол-жавобларига ўртасида икки томонлама ҳамкорлик, миттақабий хавфсизлик ҳамда Афронининг ва Тожикистондаги аҳолига онд саволларига жавоб бердилар.

«Жаҳон» ахборот агентлигини

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЯНГИ КИТОБИ

7 август кuni Москвада Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонасида Президентимиз Ислам Каримовнинг «Палей» халқро наشريётида чоп этилган «Барқарорлик ва ислохотлар» («Стабильность и реформы») китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

«XX аср халқ доҳийлари» туркумида наشر қилиш мўлжалланган жаҳоннинг саксондан ортқик энг машҳур давлат арболари асарларининг бири айнан Ислам Каримовга, унинг машҳур нутқ ва маърузаларига бағишланди. Бу юртбошимизнинг мустақил мамлакатимизни ривожлантириш йўлида олиб бораётган ташқи ва ички сиёсатдаги изчил, ўзига хос йўлнинг яна бир бор эътироф этилишидир.

Китобнинг тақдимот маросимида Россия Федерациясини ҳукумати ва парламентининг масъул ходимлари, вазирлар, депутатлар, энг йирик илм даргоҳлари раҳбарлари, таниқли олим ва адиблар, хорижий мамлакатларнинг Москвадаги элчихоналари дипломатлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этиди.

Китоб тақдимотида бағишланган йиғилишни Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясинида Фахуллода ва Мухтор элчиси Ш. Шохаллилов кириш сўзи билан очди.

«Палей» халқро наشريётининг директори Н. Мишин, Россия Фанлар академиясини фалсафа талқиқотлари маркази директори, профессор А. Карамурза, ташқи иқтисодий талқиқотлар институтини директори, академик С. Ситарян, Россия Федерациясини ҳукумати қўнунчилик ва ҳуқуқ институтининг бўлим мудирини М. Булошников мустақиллик йўлидан дадил бораётган Ўзбекистон Республикасининг Президентини Ислам Каримовнинг «Барқарорлик ва ислохотлар» китобида олға сурилган ибратли ғоялар ва амалда эришилган катта ютуқлар Мустиқил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари учун намуна бўлишини таъкидлади. Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар ваъизи А. Комилов китобнинг республикамиз мустақиллигининг беш йиллиги арафасида чоп этилганига эътибор қаратди ва унда Ўзбекистондаги ислохотлар жараёни чуқур таҳлил этилганини алоҳида қайд этди.

Китоб тақдимотида бағишланган маросимда Ўзбекистон Республикасини Президентининг Маъбуот котиби М. Муҳаммад Дўст, Ўзбекистон Республикасини Давлат маъбуот қўмитаси раиси Р. Шогўломов ва бошқа расмий кишилар иштирок этиди. (ЎЗА).

ОЛИМПИАДАЧИЛАРИМИЗ АТЛАНТАДАН ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Америка Қўшма Штатларининг Атланта шаҳрида ўн беш кун давом этган XXVI ёзи олимпия ўйналлари якунланди.

Унда жаҳоннинг 197 давлатидан қарий ўн бир минг спортчи иштирок этиди. Бу қизқарли беллашуларни олти миллион томошабин баёвосита Атлантада келиб қўрди. Улар орасида юртимиз вакиллари ҳам бор эди. Бизнинг спортчиларимиз биринчи марта шундай йирик халқро спорт беллашуларида мустақил Ўзбекистон давлати номидан иштирок этди. Дунёнинг энг кучли, манаман деган спортчилари билан майдонга тушилар. Юртбошимизнинг сафар олдидан спортчиларимизга оқ йўл тиланганлиги уларнинг қўнунга-кўч қўшди.

Қизгин ўтган олимпияда мусобақаларида 76 нафар вакилимиз спортнинг ўн уч тури бўйича кўч синашди. Му-



1992 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРЬ

Шу кuni мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йиллиги катта тантаналар билан нишонланди.

Республикамизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонидан бошланган тантаналар вилоятлар, туманлар ва қишлоқларда давом этди. Ҳаммининг чеграсида табассум, фахр-ифтихор, шукроналик туйғулари мужассам эди. Чунки одамлар истиқлолнинг илк неъматларидан баҳраманд бўлиб, унинг аҳамиятини чуқур англаб етган эдилар. Ушбу кунга юртимизнинг энг олис қишлоқ ва овулларида истиқомат қилётган кишилар ҳам бу айёмни нишонлаганликлари фикримизнинг далилидир.

Мустақиллик байрамининг бир йиллиги муносабати билан республикамиз Президенти Ислам Каримов катта нутқ сўзлаб, Ўзбекистон халқини мувораққобл этди. Юртбошимиз ўз сўзида ордан ўтган ана шу бир йил мудат ичида қўлга киритилган муваффақиятлар ҳақида сўзлаб, истиқлол асосларини янада мустаҳкамлаш ва овоз Ватанимиз раванқи йўлида фидойилик билан меҳнат қилмоқ ҳар бир фуқаронинг виждоний бурчи эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, бир йил ичида юртимизда асрга татигулик улкан тарихий воқеалар юз берган эди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасини БМТнинг тент ҳуқуқи аъсоси бўлди. Республикаимиз кўпгина омурали халқро, давлатларро ташкилотлар ва кенгашлар ишларида фаол қатнашди. Бир йилда 120 дан ортқик давлат унинг мустақиллигини расман эътироф этди. Бутун дунё сармоюдорлари ҳам Ўзбекистоннинг ишончили ва бақувват шерик эканига амин бўлдилар. Энг муҳими, дунё ақли меҳнаткаш, ҳалол, ўз туғрунининг жонқўяр этаси бўлган ўзбек халқини тин олди ва танди.

Шундай ажойиб шодиёна кунда мамлакатимизда юзлаб чақалоқлар дунёга келиб, қанчадан-қанча хондонларнинг қувончида қувонч улашди. Биргина Тошқент шаҳри туғруқоналарида 1992 йил 1 сентябрь кuni 131 нафар жажжи чақалоқ туғилди. Президентимиз ана шундай бахтли гулақлар ва уларнинг ота-оналарига ўзининг дил изқорлари битилган табрик хати йўнлади. Уларга махсус совғалар таъсис этилди. Бутунги кунда ана шу чақалоқлар тўрт ёшга тулганлиги. Насиб этса, 1 сентябрь кuni улар ота-оналари билан кўчаларга чиқиб, ўзларининг кўнгрордек қўнгуллари ила оламни шодликларга тўндиришади.

ИСТИҚЛОЛ КАЛЕНДАРНИ

UZINFO MARKAZI
ДУНЁ :
ЭНГ
СУНГГИ
ВОҚЕАЛАР

АМЕРИКА ФУҚАРОСИ ОЗОДЛИККА ЧИҚДИ

Бангладешда контрабанда йўли билан наркотик моддаларни олиб чиқиб кетишга ҳаракат қилган Америка фуқароси Элиза Маккорд ушбу мамлакат суди томонидан умрбод қамоққа ҳукм қилingan эди.

Уни озод қилиш учун Бангладешга келган ва маъзур мамлакат ҳукумати билан музокаралар олиб борган АҚШ парламенти аъсоси Билл Ричардсон ўз миёнасини муваффақиятли тугатганлигини маълум қилди. Бангладеш Президенти 23 йиш Элиза Маккорднинг авф қилди.

СУВ ТОШҚИНИ

Шимолий Кореяда кучли ёмғирдан сўнг дарёлар ўз қирғоқларидан тошиб, сув тошқини юз берди.

Натижада 200 нафардан зиёд киши ҳалок бўлди. Сув тошқини туғайли мамлакат бир миллион тонна буғдой ҳосилини ололмаي қолгани мумкин. Бу шунис ҳам озик-овқат масаласида кўп қийинчиликларни бошидан кечириётган мамлакат учун оғир зарба бўлди.

МАМЛАКАТДАН ЧИҚАРИБ ЮБОРИЛДИ

Буюк Британия ҳукумати мамлакатда фаолият кўрсатётган Покистон Бош комиссарияти ходими Муҳаммад Салимини мамлакатдан чиқариб юборишга қарор қилди.

У Британияда ядро технологиясини сойтиб олиш учун яширин равишда фаолият кўрсатган.

КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Жанубий Корея ҳукумати Россия билан соёқ СССРнинг қарзлари бўйича келишиб олинганлигини маълум қилди.

Эндинда Россия соёқ СССРнинг қарзи учун Кореяга бойитилган уран ва вертолётлар етказиб беради.



муш, боқимиз Карим Тулаганов бронза медалини қўлга киритди.

8 август кuni Тошқентда спортчиларимизни тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Шу муносабат билан пойтахт аэропортига алоқдор ташкилот ва идоралар раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, қўнун-кўн спорт мухлислари келиди.

...Икки ёнга «Ўзбекистон» сўзи ёзилган улкан ҳаво кемаси охира келиб қўнди. Йиғилишда спортчиларнинг қарнай-сўнай садолари ва гулдўрос қарсақлар билан кутиб оладилар. Уларга анвойи гуллар тақдим этилади.

Кутиб олиш маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Азизқўлов, Бош ваъир ўринбосари С. Саидқосимов, Тошқент шаҳар ҳокими К. Тулаганов ва бошқа расмий кишилар иштирок этиди.

(ЎЗА).

БИЗНЕС МАКТАБИ ВАЛЮТА КУРСЛАРИ

Кўпгина мамлакатлар ўзининг миллий валютасига эга. Шу боис ҳамма халқро тўловлари амалга оширишда миллий тўлов воситалари чет эл валютасига алмаштирилади.

Бундай келишувлар амалдаги алмашинув ёки бошқача қилиб айтганда, вексель курси бўйича амалга оширилади. Чет эл валютасининг бир, юз ёки минг бирлиги учун тўлаш лозим бўлган нарх шундай аталади.

Чет эл валюталари валюта бозорига сотилади ва сотиб олинади. Бу ерда гап нарх валюта туртиришига эмас, балки хорижий банклардаги активлар ҳақида боради.

— Жаноб вакил, мустақил Ўзбекистон халқи қатта байрам бўсағасида турибди. Мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлига ўтганига беш йил бўлди.

— Аввало, шунга айтиш керакки, биз, мисрликлар Ўзбекистон эришган ютуқлар билан чин дилдан фахрланамиз.

Бугунги кунда республикан-гизда юз бераётган янгиланишлар жараёни МДХ мамлакатларида ҳам, хорижда ҳам

сиёсатчилар, иқтисодчилар, сисёсатшунослар эътиборини тобора кўпроқ жалб этмоқда. Ислохотларнинг Ўзбекистондаги модели барчанинг эътиборига тушиди.

Шу ўринда Ўзбекистон Президентининг «Ижобий ютуқлардан кўра, кишиларимизнинг ислохотларни кўлаб-қувватлаётгани кўпроқ муҳим» деган иборасини эслаш ўринлидир.

кузатиш мумкин. Зеро, Ўзбек халқи мамлакатингизда изчиллик билан ўтказилаётган ислохотларни қўлаб-қувватлаб, уларнинг муваффақияти билан яқунла-

Умуман, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлида қўлга киритилаётган бу каби ютуқлари у танлаган моделнинг тўғрилигидан далолат беради.



«ЎЗБЕКИСТОН САОДАТМАНД ЮРТДИР»

Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги муваққат ишлари вакили билан мулоқот

кининг фуқароларнинг уйғун ривожланган жамиятини барпо этиш учун жуда кўп йиллар керак бўлади. Жаҳондаги қудратли давлатларнинг бу борадаги сайёҳаракатлари узоқ вақт давом этганини яхши биламиз.

айтиш ортиқчалик қилмайдики, сизнинг мустақиллигингиз фақат сиз яшаб турган юрт учунгина аҳамиятли эмас, балки бизнинг мамлакатимиз билан ҳам ҳар томонлама муносабатлар ўрнатиш учун катта имкониятлар яратиб беради.

«Аль-Ахром Трейдинг ЛТД», «Акса», «Хайт» каби қўшма корхоналар мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар равақига йўлида самарали фаолият кўрсатаётди.

Фуратдан фойдаланиб, ўз мустақиллик тантаналарининг беш йиллик байрами нишонлаш тараддулида турган ўзбек халқини яна бир бор қўлайман.

Ўзбекистон саодатманд юрти. Мамлакатимизнинг муваққат вакили сифатида шу саодатли юрт билан Миср ўртасидаги манфаатли алоқаларнинг янада юксалишига қатъий ишонч билдираман.

Кўпчиликниям кўнглини топса бўларкан



Пахтачилар давлатга галла сотиш йиллик режасини ошириб ўздالاди. Р. Маҳманов номли, «Наврў», «Оқтепа», «Дехқонбод» каби хўжаликларда ҳосилдорлик 35-42 центнердан ошди.

Қишлоқда меҳнат шариқтининг яхшилаш, ички ўрларини кўпайтириш мақсадида К. Ражабов номли хўжаликда 844 ўринли ўрта мактаб, «Зарафшон» хўжалигида 240 ўринли мактаб, «Оқтепа» ва «Дехқонбод»да бир сменада 50 беморни қабул қиладиган қишлоқ врачлик пункти ишга тушиш арасида. Сулув посёлкасидаги 150 хонадон газлаштирилди.



Саидназар Ерқулов, Эшнор Исролов, Латиф Нажмиддинов бошиқ бригадаларда ҳосилдорлик 45 центнерга етказилди.

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ»ДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Электр ёрдамида пўлат эритиладиган янги печлар ишга туширилса, «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида металл ишлаб чиқариш ҳажми анча ортади.

Шу мақсадда комбинатда ишлаб чиқариш печларини қайта қуриш ва юксак технология жиҳозлар ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда.

Шу мақсадда комбинатда ишлаб чиқариш ҳажмининг ортгани, сифатининг яхшиланиши, экологик муаммоларнинг ҳал этилиши, хомашё ва энергиянинг тежаллиги ҳисобига ҳаражатлар қисқа муддатда қопланади.

Янги иншоот келаси йили ишга туширилиши мўлжалланмоқда.

«Халқ сўзи»га келадиган мактублар асосида

«НЕГАДИР» — БУ МАВЖҶУМ

Мамлакатимиз Президентининг 1995 йил 20 декабрдаги «Аҳолининг омонатлари ва давлат сугуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги Фармони ва шу хусусда республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори матбуотда эълон қилинган, тахририятимизга қўлаб миннатдорчилик мактублари кела бошлади.

Аммо банк ходимлари негандир меннинг бу истагимни амалга ошира олмаётганини айтишди. Ҳайрон бўлдим. Ахир уларнинг ўзлари шу масалани беришувчи-ку? Ёки мен бу жойда бирор ҳаттоликка йўл кўришимкан?

Начора... «Хар тўкида бир айб» деганларидек, аҳолининг омонатлиги пулларини индексация қилиш ва уларни белгилаш тартибда эълон қилинган ишларга йўл қўйиш ҳақида қўлаб-қувватлашга ўхшайди.

Мамлакат Пулатова 1989 йилининг май ойида сугурта шартнома агентлиги орқали иш қўйишда узини сугурта қилган эди. Агентлик шартномасига кўра, у 1994 йилининг 30 апрели кўра, у белгилаш тартибига қўлаб-қувватлашга ўхшайди.

Мамлакатимиз Президентининг 1995 йил 20 декабрдаги «Аҳолининг омонатлари ва давлат сугуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги Фармони ва шу хусусда республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори матбуотда эълон қилинган, тахририятимизга қўлаб миннатдорчилик мактублари кела бошлади.

Хамкорлик робиталарида

САМИМИЙ АЛОҚАЛАР АҲАМИЯТИ БЕКИЁСДИР

Мамлакатимиз хорижий давлатлар билан ўзаро тенг ва манфаатли хамкорлик алоқалари ўрнатиб, уни янада такомиллаштириш йўлидан бормоқда.

Яқинда мажор фирм ва компаниялар мажор фирмани сифатида нишонлаш ва жойини ўзига кузатиш ҳамда лаборатория таҳлилидан ўтказиш мақсадида республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг беш қилинган иборат мухтаassisлар гуруҳи Туркия Республикасида бўлиб қайтиди.

Мамлакат озиқ-овдат импорт қилмайди, аксинча, унинг айрим турларини ташиқ бозорга чиқариши. Бу борада қишлоқчилик мажорлари ишлаб чиқаришига мўлжалланган «Улкер» компанияси фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Валюта курслари доимий ҳаракатда, ўзгаришда. Аммо кўпгина валюта биржа (тор маънода валюта бозори дея қаралади)ларида белгили нархга эга бўлган ҳар бир валюта учун кунига бир марта «расмий курс» белгиланади ва бу умуман, пул-кредит муассасалари билан уларнинг банкдан ташқари миқозлари ўртасида валюта битимлари тузиш учун база бўлиб хизмат қилади.

Валюта курслари товар ҳаракати ва мамлакатлар ўртасида ҳисоб-китоб қилиш учун муҳим асос ҳисобланади. Шу боис узоқ вақт давомиди валюта курслари қатъий ёки фақат тор даражада ўзгариб турмоғи керак, дея ҳисоблаб келинади.

Бугунги кунда кўпроқ олиб-сотилаётган валюталар (АҚШ доллари, немис маркаси, япон иенаси, Швейцария франки) ўртасидаги алмашинув инобатлари барқарор эмас.

Бирортаям танқид натижасиз қолмайди

Газетхон хати

Юқоридаги руқн остида чоп этилган М. Ҳошимовнинг мактубида Қоровул почта алоқаси боғламасининг иши қониқарсиз аҳволда эканлиги таъкидланган эди.

«Ўзбекимеш» ҳиссасдорлик жамияти устаслари расётган турли-туман мурватлар юртимиздаги йирик корхоналарнинг эҳтиёт қисмларга бўлган талабини қондирапти.

СУРАТДА: корхона устаси А. Рустамов ва чилангар У. Шодидов. Р. ШАМСУДИНОВ олган сурат.

Урганч туман ҳокимлиги шун маълум қиладики, газетангизда эълон қилинган арзонома Қоровул почта алоқаси боғламасининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинди.

Айни дамда турк ишбилармонларининг мамлакатимизга сармом киритиш лойиҳаларининг умумий ҳажми 1 миллиард доллардан ошди.

Газеталарни ўз вақтида тарқатмагани учун почтачи Й. Алламатовга июнь ойи учун бериладиган мукофот пули ушлаб қолинди.

Яқинда мажор фирм ва компаниялар мажор фирмани сифатида нишонлаш ва жойини ўзига кузатиш ҳамда лаборатория таҳлилидан ўтказиш мақсадида республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг беш қилинган иборат мухтаassisлар гуруҳи Туркия Республикасида бўлиб қайтиди.

«Улкер» компанияси фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мажор компанияси фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мажор компанияси фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз.

«Улкер» компанияси фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мажор компанияси фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мажор компанияси фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз.

«Улкер» компанияси фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мажор компанияси фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мажор компанияси фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз.

«Улкер» компанияси фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мажор компанияси фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мажор компанияси фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз.

«Улкер» компанияси фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мажор компанияси фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мажор компанияси фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз.

НЕКСИА-GI



АСОСИЙ ТЕХНИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Кузов 5 эшikli - седан	Ички ҳажми 1498 куб. см
Узунлиги 4482 мм	Двигатель қуввати 90 от кучи (5400 айл./мин)
Эши 1662 мм	Ешилги баки ҳажми 50 л
Баланглиги 1393 мм	Ешилги сарфи 100км га 8.8 л
База 2520 мм	Двигатель мойнинг тури SAE/SF 3.75 л
Клиренс 165 мм	Аккумулятор 12V-55Ah
Ўз оғирлиги 980 кг	Автошина ўлчами 175/70R13T
Ўзловчилар сони 5	Тормоз: гидравлик вакуум кучайтирич
Юқори тезлиги 170 км/с	олддаги дискли орқалдаги барабанли
Бурилиш радиуси 4,9 м	Руль бошқаруви - рейка-шестерняли
Узатмалар ўзгартириш кутиси - механик	Кўшимча жиҳозлар: комфорт кулайликлари кондиционер, руль механизмининг кучайтирич, ойнакларнинг, марказий кулф, ети томон зарблан ҳимоя
Узатмалар сони 5 уз.	
Двигатель: 4-цикл., ешилги электрон пурқаш	

НЕКСИА-GLE



**Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!
Ҳурматли тадбиркорлар, фермерлар ва
корхоналар раҳбарлари.**


**"Ўзавтотеххизмат" акциядорлик
бирлашмаси**

**Асакада ишлаб чиқарилган
"ЎздЭУавто" автомобиллари
биринчи бор сотувга
чиқиши муносабати билан
сизларни табриклайди.**

**Марҳамат қилиб 10 августдан
бошлаб янги автомобилларни
республикамизнинг барча вилоят
марказларидаги ва Тошкент шаҳридаги
бизнинг корхоналаримиздан харид
қилишингиз мумкин.**

**Маълумот учун телефонлар:
54-77-71, 54-47-78, 58-33-59, 79-49-66.
Факс: 55-47-15.**

ДАМАС-DLX



ДАМАС-STD



АСОСИЙ ТЕХНИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Кузов 5 эшikli - микроавтобус	Двигатель: 3-га шikli карбюраторли
Узунлиги 3230 мм	Ички ҳажми 796 куб. см
Эши 1400 мм	Двигатель қуввати 39 от кучи (5000 айл./мин)
Баланглиги 1920 мм	Ешилги баки ҳажми 37 л
База 1840 мм	Ешилги сарфи 100км га 4,12-6,5 л
Клиренс 160 мм	Двигатель мойнинг тури SAE/SF 3.2 л
Ўз оғирлиги 810 кг (авт.) 750 кг (фург.)	Аккумулятор 12V-28Ah
Ўзловчилар сони 7 (авт.) 7 (фург.)	Автошина ўлчами 155R12
Юқори тезлиги 115 км/с (авт.) 100км/с (фург.)	Тормоз: гидравлик вакуум кучайтирич
Бурилиш радиуси 4,3 м	олддаги дискли орқалдаги барабанли
Узатмалар ўзгартириш кутиси - механик	Руль бошқаруви - рейка-шестерняли
Узатмалар сони 4 уз.	Кўшимча жиҳозлар: комфорт кулайликлари кондиционер, радио/стерео, магнитофон

ДАМАС-ФУРГОН



АСОСИЙ ТЕХНИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Кузов 5 эшikli - хетчбек	Клиренс 160 мм
Узунлиги 3340 мм	Ўз оғирлиги 620 кг
Эши 1400 мм	Ўзловчилар сони 5
Баланглиги 1395 мм	Юқори тезлиги 143 км/с
База 2335 мм	Бурилиш радиуси 4,4 м
	Узатмалар ўзгартириш кутиси - механик
	Узатмалар сони 5 уз.

ТИКО-STD



Двигатель: 3-га шikli карбюраторли
Ички ҳажми 796 куб. см
Двигатель қуввати 41 от кучи (5500 айл./мин)
Ешилги баки ҳажми 30 л
Ешилги сарфи 100км га 4,2 л
Двигатель мойнинг тури SAE/SF 3.2 л
Аккумулятор 12V-28Ah
Автошина ўлчами 135SR12
Тормоз: гидравлик вакуум кучайтирич
олддаги дискли орқалдаги барабанли
Руль бошқаруви - рейка-шестерняли
Кўшимча жиҳозлар: комфорт кулайликлари кондиционер, радио, магнитофон, тонир ойна


ТИКО-DLX



• 1996 йил — Амир Темуր йили

ЎТМИШ ВА БУГУН УЧРАШГАН ДАРГОХ

Темурийлар даври тарихи давлат музейи қурилишидан репортаж



Пойтахтдаги Амир Темуր хибони ҳудудида ўзига хос меъморий ечимга эга муҳташам иморат нихоятда қисқа фурсатларда қад ростлади. Темурийлар даври тарихи давлат музейи учун мўлжалланган ушбу иншоот қурилишида миллий анъана ва замонавий услуб уйғунлашиб кетган.



Пештоқнинг устунларда қурилгани (улар 20 та), очик айвон ва тепадаги маҳабатли мовий гумбаз кишида қадимий шаҳарларимиз манзарасини эсга туширса, деворларнинг силлиқ қошлар билан ёпилгани, энг сунгги технология асосида тайёрланган мураккаб таркибли ашёлар — ойналар, темир қувур ёки цемент қоримшалари бугунги кун қурилиш санъатининг муносиб армуғонига ухшайди. Айтиш мумкинки, музей биносини барпо этишда эришилган барча ютуқ ва тажрибадан самарали фойдаланилди.

Айни пайтда бу ерда сунгги пардозлаш ишлари олиб борилапти. Асосий юмушларни бажарган бош продатчи — «Тошўйжаинвестқурилиш» корпорациясига қарашли «Турон» ҳисдорлик жамияти билан Ўнма-ён унлаб бирлашмаларнинг бунёдкорлари жадал меҳнат қилмоқда. Қурилишнинг биринчи кундан ҳозиргача қатнашаётган «Бунёдкор» бўлимининг бошлиғи Аваз Каримов ҳикоя қилади:

— Қурувчилар утган йил ноябрининг урталарига ташриф буюриб, дастлабки юмушларни бажарган эдилар. Эсимда, 20 декабрда биринчи марта бе-

тон қоримшасини қабул қилиб, таг-заминга ётқизганмиз. Шундан бошлаб уч сменада тинимсиз иш будди. Ҳар сафар миң кишигача қурувчи меҳнат қилди.

Албатта, бунчалик катта ҳажмли бунёдкорликни ташкил этиш ҳам жиддий масъулиятни талаб қиларди. Турли участкалардаги юмушларнинг мувофиқлаштириш, одамларнинг бунёдкорлик қолмаларини таъминлаш учун барча тизим ута аниқликда ишлаши лозим эди. Шунингдек, қурувчиларнинг дам олишнинг, смоналарга келиб-кейтишнинг уюштириш ҳам чуқур уйлаб иш қилиши тақозо этарди. Бу ерда ашёлар билан таъминлангиш, жалб қилинган корхоналарнинг узлуксиз махсулот етказиб беришини ташкил этиш ташвишлари... Хуллас, жуда кенг жабада фаолият юритишга туғри келди ва айтадиган бўлсам, ҳамаи муваффақиятли утдиладди.

Вино тарихни асраб-авайлаш учун қурилди. Эҳтимом, вақти келиб унинг бунёд этиш тарихи ҳам ёзилар. Шунда балки бунчалик тез ва самарали, ёланган вазифанинг сирлари аён булади. Ҳозирча эса дастлабки рақамларни келтирамиз. Бинони тик-

лашда 1 млн. дондан зиёд гишт, 8-10 миңг куб метр чамаси бетон қоримшаси ишлатилди. Икки қаватли намоишлар залидан ташқари пастда 5 миңг кв. м. саҳни фойдаланиладиган заллар бор. Унда музей маъмурияти, омирхоналарни жойлаштириш ҳам қилинган. Вино ўз ташқи қурилиши, яъни коммуникация тизими жиҳатидан ноёб иншоотлардан ҳисобланади. Унинг атрофида 3-4 гектарлик оромгоҳ қайта бунёд этилапти. Музей бобокалонимиз номи билан аталувчи хибонинг қиёфасини янада гузаллаштириб, унга мусаммалик бахш этади. Келгусида бу жой куплаб намоиш тадбирлар ва танталари йиғилишлар утказиладиган муборак гуша бўлиб қолиши кутиламиз.

... Айвон саҳнида тепага юксалиб, қафтида иморат томини кўтариб турган устунларнинг ҳар бирида устунларнинг маҳорати ва санъати ўз ифодасини топган. Улар азалий миллий услубда ясалган: тепа ва паст қисмларида буртма нақшлар ишланган, сирти текис силлиқланиб, қошиқлар уйилган. Одатда, бундай устунларни ота-боболаримиз азим чинор ёки қайрағоч танасидан ишла-

ганлар. Бу ерда у темир устунга мрамор ва гипс плиталар ёпиштирилиб ясалган. Тирқишларга бармоғи билан қоримша суртиб, обдон пардоз бераётган устунга яқинлашамиз. Шамиль Мустафин — «Ҳайкалтор» компаниясидан, у уч ҳафтадирки, шу ерда ишлайганини маълум қилди. «Бундай пардоз ишлари ҳозиргача таъмирланаётган биноларда қўлланилади, деярли биринчи марта янги иморат шундай услубда бунёд этилди», дейди у. Ростдан, бу бинода янгиликлар кўп. Қатъий лойиҳа асосида тайёрланиб, хумдонда пишirilган ялтироқ қошиқлар деворда яхлит манзара ҳосил қилган. Унда араб имлосида соҳибқирон амал қилган тузуқлардан бири санъаткорлар дараж этилган. Деворда бундай нақшлар чекиш ҳам илк бора қўлланилди. Сопол парчалари Тошкент керамик комбинатида тайёрланиб, чинни заводида пишirilган. Ун йилдан ортиқ иш тажрибасига эга булган гишт терувчилар Руздат Жумаев ва Неъмат Абдуманнопов ичкарида охириги юмушларни бажаришга япти. Улар ўз ишларидан ҳам, яратилган шароитдан ҳам мамнун. Айниқса, улар мангулик обидаси ҳисобланмиш шун-

дай қурилишда қатнашганларидан хурсандликларини яширмайдилар. Умуман, бу ерда ҳар хил ҳажмли юмушни бажариб юрганлар билан суҳбатлашсангиз, ҳар бири қалбида сезиларли ифтихор борлигини уқиб олиш қийин эмас.

Бинонинг бетакорлигини таъминлаш борасида «Усто» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси фидойиларининг улкан меҳнати синганини биринчи қадамдайқ сезиш мумкин. Шу кун улар ташқаридаги уч табақали эшикнинг дастлабкисини уратган эканлар. Эшик бутунлай миллий услубда ишланган, нақшларида арий қадриятлар муҳлангандек. Ичкарида эса сизни ҳақиқий санъат мўъжизаси кутиб олади. Ердан шифтага ишланган деворий суратларда Шарқ миниатюрлари тили билан Амир Темурунинг шонли ҳаёти ҳикоя қилинади. Суратлар орасида соҳибқирон бобоимизнинг пурмаёно ўғитлари араб ва лотин ҳарфларида ёзилган. Деворий расмлар сеҳрини ҳис қилишда гумбазгача тираб кутарилган ҳавозалар ҳам ҳалақит бермайди. Устунлар орасида усталар доғдорлар каби утиб-қайтиб ўз ишларини маромига етказаяптилар. Музейнинг гурбазида етти олам мўъжизаси дарж этилган: илмий нақшлар, олтин рангида товланувчи бўёқлару жажжи чироқлар шуъласи кунгилга самовий ва борлиқ сеҳрини яхлит олиб киргандек булади. Гумбазнинг кунгурасига ишланган буртма тоқ ва тоқчалар Тиллакор ёки Шердорнинг дунёни лол қолдирган маҳаватини ёдга солади. Вино гузал қурилган, у юзидан пардасини кўтармаган — иш жарайида ҳосил булган гурборлар ичда сузиб турса ҳам гузаллиги яққол қурилиб турибди.

Айни пайтда Югославиянинг «Торсвик» фирмаси усталари электр тармоқларни устидаги сунгги ишларни тутатаяпти. Бинодаги қурилиш ишлари яқинда нихоятга етади.

Х. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

май қурилишда қатнашганларидан хурсандликларини яширмайдилар. Умуман, бу ерда ҳар хил ҳажмли юмушни бажариб юрганлар билан суҳбатлашсангиз, ҳар бири қалбида сезиларли ифтихор борлигини уқиб олиш қийин эмас.

Бинонинг бетакорлигини таъминлаш борасида «Усто» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси фидойиларининг улкан меҳнати синганини биринчи қадамдайқ сезиш мумкин. Шу кун улар ташқаридаги уч табақали эшикнинг дастлабкисини уратган эканлар. Эшик бутунлай миллий услубда ишланган, нақшларида арий қадриятлар муҳлангандек. Ичкарида эса сизни ҳақиқий санъат мўъжизаси кутиб олади. Ердан шифтага ишланган деворий суратларда Шарқ миниатюрлари тили билан Амир Темурунинг шонли ҳаёти ҳикоя қилинади. Суратлар орасида соҳибқирон бобоимизнинг пурмаёно ўғитлари араб ва лотин ҳарфларида ёзилган. Деворий расмлар сеҳрини ҳис қилишда гумбазгача тираб кутарилган ҳавозалар ҳам ҳалақит бермайди. Устунлар орасида усталар доғдорлар каби утиб-қайтиб ўз ишларини маромига етказаяптилар. Музейнинг гурбазида етти олам мўъжизаси дарж этилган: илмий нақшлар, олтин рангида товланувчи бўёқлару жажжи чироқлар шуъласи кунгилга самовий ва борлиқ сеҳрини яхлит олиб киргандек булади. Гумбазнинг кунгурасига ишланган буртма тоқ ва тоқчалар Тиллакор ёки Шердорнинг дунёни лол қолдирган маҳаватини ёдга солади. Вино гузал қурилган, у юзидан пардасини кўтармаган — иш жарайида ҳосил булган гурборлар ичда сузиб турса ҳам гузаллиги яққол қурилиб турибди.

Айни пайтда Югославиянинг «Торсвик» фирмаси усталари электр тармоқларни устидаги сунгги ишларни тутатаяпти. Бинодаги қурилиш ишлари яқинда нихоятга етади.

Х. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• Эътироф

МАШҲУР КИШИЛАР РҲЙХАТИДА

АҚШнинг қомусий лугатлар билан шуғулланувчи дунёга машҳур «Маркус» нашриёти ўзбек олим, академик Асқар Холмуродов ҳақида «Фан ва техникада ким аслида ким?» сериясидаги навбатдаги маъмуасида маълумот эълон қилганлиги ҳақида хушхабар келди.

Маълумот жула муктасар ва аниқ бўлиб (масалан, «...биолог, институт директори, т/ж — Яққабов, Ўзбекистон... каби), ҳатто ота-онани ва оила аъзолари ҳақида ҳам тасаввур ҳосил қилади.

«Маркус» нашриёти «Ким аслида ким?» сериясида кўп йиллардан бун турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган дунёнинг машҳур кишилари ҳақида мунтазам хабарлар тарқатиб туради. Жумладан, энг доврқли иқтисодчилар, сибсатчилар, алоҳида фан соҳалари билан шуғулланувчи олимлар, маданият арбоблари ҳақида ҳозиргача 30 дан зиёд қомусий лугат чоп этган. «Маркус»нинг бу қизмати юқори доираларда муносиб қадрланмоқда. Негаки, ҳозирги тараққиёт асрида ахборот алмашишдан қўра долзарб муаммо йўқ. «Ким аслида ким?» тўплами орқали эса дунёнинг турли бурчақларида кашфиётлар қилбтган олимлар, ҳамкасблар бир-бирини билиб олишмоқда, ҳамкорлик урнатилмоқда.

Қўлимиздаги «Фан ва техникада ким аслида ким?» деб номланган тўпламга 24 миң нафар машҳур олим ва муҳандис ҳақида маълумот берилган. Уларнинг асарияти АҚШда истиқомат қилиб, фаолият кўрсатаётганлар бўлиб, қолган

қисми ер юзининг бошқа 115 мамлакатаи вакилларидан иборат.

Маълумотда Асқар Ганиевичнинг таркибий ҳоли, илмий фаолияти, микроблар биохимияси ва биотехнология соҳасидаги излашилари билан боғлиқ кашфиётлари, асосий фундаметал асарлари ҳақида ихчам усулда батафсил ахборот берилган. Албатта, океан ортдаги ношпирларнинг ўзбек олим илмий ютуқларига қизиқиши бежиз эмас. Академик А. Холмуродов етакчилик қилаётган Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология институти жамоаси соҳанинг кўпга долзарб муаммоларини ҳал қилишга ишлб муваффақиятлари кўлга кириштиаяпти. Айни пайтда институти лабораторияларида фаннинг умумжаҳон йўналишига мансуб яхлит датура асосида қатор кузатишлар олиб борилмоқда. Яқинда Асқар Холмуродов раҳбарлигида кашф қилинган бифидум бактерия препаратини ялпи тарзда медицинада қўллаш учун республика Фармокология қўмитаси ишлаб чиқаришга рухсат берди. Қатиққа кўшиб ичиладиган, организмнинг қон айланиш ва овқат ҳазм қилиш юмушига фаол кўмаклашадиган бу дори бутунлай зарарсиз бўлиб,

маҳаллий шароитда кент тарқалган ичбуру, жигар касаллиги, сариқ касаллигини даволашда кўл келиши исботланган. Мазкур препаратта Россия Федерацияси патентлар ва махсулот белгилари қўмитаси ҳам ўз ёрлиғини тақдим қилди ва сотиб олишга розилик сўради. Шундай ва бошқа илмий ютуқлар ҳақида Исрусулим (Исруил) да бўладиган бактериология ва амалий микробиологиянинг долзарб масалаларига бағишланган 8-Халқаро конгрессда маъруза қилиш учун институт директорини тақлиф қилишда ҳам асос бор.

Асқар Холмуродов қизгин илмий излашилари билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси вазифасида ҳам фаол иш олиб борапти.

Албатта, ҳозирги замон Ўзбекистон фанининг йирик вакиллари билан бири ҳақида илмий жамоатчиликка анча машҳур булган олмас Америкадаги ахборот нашриётининг маълумот бериши кўп асрлик тарихга эга халқимиз салоҳиятини жаҳон доирасида эътироф этилиши, қолаверса, мустақил юртимизга билдирилган эътибордир.

Халли СУЛТОН,
«Халқ сўзи» мухбири.

«БАГДОДЧИ»НИ ИШҚИБОЗЛАР ЯХШИ БИЛИШАДИ



Туманан ёпишиб чиққан «Бағдолчи» футбол жамоаси Ўзбекистон биринчилигининг 1-турабасида тўп сурмоқда. Утган йили туманда миллий кураш бўйича виллот ҳокими соврнин учун халқаро мусобақа ўтказилди. Чунки Бағдол — машҳур полковлар юрти.

Президентиянинг футболни ривожлантириш юзасидан чиқарган Фармондан сунг туманда 25 та футбол уйингоҳи барпо этилди. Ҳозир тумандаги ҳар бир меҳнат жамоасининг ўз футбол командаси бор.

Ҳа, туманда соғлом авлодни камолта етказиш учун кўпгина ишлар қилинапти. Яқинда бу ерда виллот туманлари ичидан биринчи бўлиб теннис уйингоҳи қуриб фойдаланишга топширилди. 360 Урилинг бу иш-чора қисқа фурсатда ҳашир йўли билан битказилди. Яхши томон шундаки, унани кураш майлони сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Теннис ишшоотини фойдаланишга топшириш катта тантанана айланб кетди. Виллот ҳокими М. Исломоғ икчам теннис кортининг очилиши билан тумандаги барча спорт ишқибозларини қизини муборакбод этиди. Футбол бўйича туман ҳокими кубоғи учун ўтказилган мусобақа голбларига кубок ва эсдалик совғалари топширилди.

Аскаралли ТУРСУНОВ,
«Бағдол ҳаёти» рўзномаси муҳаррири,
Тоҳиржон ҲАМРОКУЛ,
«Халқ сўзи» мухбири

СУРАТЛАРДА: Футболчилар машқ пайтида; кубок эласи бўлган доғ махсулотлари комбинати футбол командаси.

ЧЕТ ТИЛИНИ ҲРГАТАДИ

«Камолот» жамғармасининг Кумқўрган туман бўлими қошида араб тили ва лотин ёзуви ҳамда компьютер соҳаларини мукамал ўргатиш учун махсус ўқув курслари ташкил этилди.

Жамғарма раиси Вахтигул Норматова ташаббуси билан ташкил этилган бу курсларда ҳозир 40 нафардан кўпроқ турли ёшдаги кишилар таҳсил олаяпти. Уқитиш, тайёрлаш ишларига малакали мутахассислар жалб қилинган.

Б. БОТИРОВ.

Узтелерадиокомпания жамоаси Хорижий мамлакатларга эшиттиришлар дирекцияси катта муҳаррири Малохат Турдиевага умр йўлдоши

Хусан ТУРДИЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

«Ўзсавдогарбанк» бош идораси ҳамда унинг Андижон вилояти бўлими меҳнат жамоаси Андижон вилоти ҳокими К. Обидовга отаси, савдо хизмати фахрийси

ҒОФУРАЛИ отанинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор этадилар.

Ўзбекистон Ногиронлар жамияти жамоаси марказий бошқарув раиси Содик Убайдуллаевага кизи

ДУРДОНАнинг
бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси «Халқаро ва қиёсий ҳуқуқ» кафедрасининг доценти Асадулло Маматқуловага умр йўлдоши

Мухаррам МАМАТҚУЛОВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси «Бозор-ҳўжалик ҳуқуқи» кафедрасининг доценти, юридик фанлари номзоди Мухитдин Сайдахмедовга онаси

Нури САЙДАҲМЕДОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

АЖОЙИБ ОЛАМ SAMSUNG



НОЁБ ВА РАНГ-БАРАНГ!

CD+OK тизими - дидингизга мос кўшиқлар.
CD+OK тизими - компакт-дисклардан фойдаланишга асосланган дунёда биринчи караоке тизими. Бу тизим SAMSUNG Electronics фирмаси томонидан ишлаб чиқилган. CD+OK тизимида CD+ROM компакт-дискларнинг энг янги технологиялари қўлланилади. Битта дискда энг оммавий бўлган 800 та русча ва 277 та инглизча кўшиқ бўлиб, уларга турли-туман рангларда товланувчи тасвирлар илова қилинган.

Фирма дўконлари:

- | | | |
|-------------------------|--|------------------|
| Кало Холдинг Корпорэйшн | Тошкент, "Бешёғоч" бозори, 2-дўкон | 7(3712) 45-52-69 |
| Кало Холдинг Корпорэйшн | Тошкент, "Олой" бозори | 7(3712) 45-80-41 |
| Кало Холдинг Корпорэйшн | Тошкент, "Чорсу" савдо маркази | 7(3712) 45-52-69 |
| Кало Холдинг Корпорэйшн | Тошкент, Хўжаев кўчаси | 7(3712) 45-52-69 |
| Кафолат-Файз | Тошкент, "Чорсу" бозори, Эскижўва кўч. | 7(3712) 42-29-89 |
| ТОУ Ко., ЛТД | Тошкент, Амир Темуր кўчаси, 110 | 7(3712) 34-02-58 |
| ТОУ Ко., ЛТД | Тошкент, "Чилонзор" савдо маркази | 7(3712) 35-09-86 |
| СТАЛИК | Фаргона, Аль-Фаргона кўч., 20 | 7(3712) 24-49-18 |

SAMSUNG Electronics компанияси Ўрта Осиё ва Қозғистон бўйича дилерларни тақлиф этади. Алматидаги омборидан бевосита етказиб берилади. Самсунг Электроникс Ко. Алмати офиси, Алматы, Абилхайон, 81.



ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОВЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Халқаро 33-07-48;
Меҳрос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодий 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Туни муҳаррират 33-10-28.
Эълонлар 36-09-25, Вахшёр 33-10-60

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Утборсов.
Навбатчи — Ф. Эшмурад.